XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 6 - yanvar II-49-2-14-205-K/22 Shayxontoxur tumani hokimligi

2022 йил учун Шайхонтоҳур туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-165-14-0-К/21 сон қарорига асосан 2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш мақсадида халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742 сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ қабул қилинган халқ дупутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-53-165-14-0-К/21 сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга асосан 2022 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларни бўйича декларация асосида тўланадиган солиқлар, шунингдек

якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра Шайхонтоҳур туман аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ мақуллансин.

4. 2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 1 503 407,0 минг сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2022 йил учун Шайхонтоҳур туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 482 581,0 минг сўм миқдорида белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган

вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Шайхонтоҳур туманининг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

8. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари;

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

10 . Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Аширматов):

тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари туман Кенгашига киритилишини таъминласин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун халқ депутатлари туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Аширматов зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Тухтаев**

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур
туман Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
II-49-2-14-205-K/22-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**157 083 389,0**
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	9 887 000,0
2	Акциз солиғи:	64 385 389,0
	Шундан:	
	бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	*7 809 000,0*
	алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи	*21 413 104,0*
	мобил алоқа хизмати учун акциз солиғи	*12 198 879,0*
	тамаки махсулотлари учун акциз солиғи	*22 964 406,0*
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 533 000,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	20 406 000,0
5	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	3 809 000,0
6	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	14 723 000,
7	Давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар	12 250 000,0
8	Айланмадан олинадиган солиқ	22 729 000,0
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	3 361 000,0

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур
туман Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
II-49-2-14-205-K/22-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Маблағ миқдори
Шайхонтоҳур туман бўйича харажатлари миқдори, Жами:		**157 083 389,0**
Шундан:		
Жорий харажатлар		*157 083 389,0*
1.	**Халқ таълим соҳаси**	**14 126 423,**0
	жорий харажатлар	*14 126 423,0*
2.	**Мактабгача таълим соҳаси**	**17 040 998,0**
	жорий харажатлар	*17 040 998,0*
3.	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	***65 815 347,0***
	жорий харажатлар	*65 815 347,0*
4.	**Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар**	**220 800,0**
	жорий харажатлар	*220 800,0*
5.	**Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси**	**1 076 857,0**
	жорий харажатлар	*1 076 857,0*
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси**	**2 020 370,0**
	жорий харажатлар	*2 020 370,0*
7.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**12 171 952,0**
	жорий харажатлар	*12 171 952,0*
8.	**1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглашти-рилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари**	**19 119,0**
	жорий харажатлар	*19 119,0*
9.	**Ижтимоий кўникма маркази**	**250 633,0**
	жорий харажатлар	*250 633,0*
10.	**Ободонлаштириш соҳаси**	**16 282 372,0**
	жорий харажатлар	*16 282 372,0*

11.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**8 275 187,0**
	жорий харажатлар	*8 275 187,0*
12.	**Фуқароларни ўзини ўзи бошқаришорганларини сақлаш**	**8 375 058,0**
	жорий харажатлар	*8 375 058,0*
13.	**Туман (шаҳар) бюджетлари прогнозларига маҳаллабай ишлаш тизими учун даромадлар режасини орттириб бажарилган қисмининг 5 фоизи қўшилмоқда**	**2 516 699,0**
	жорий харажатлар	*2 516 699,0*
14.	**Заҳира жамғармаси**	**1 482 042,0**
	жорий харажатлар	*1 482 042,0*
15.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**7 409 532,0**
	жорий харажатлар	*7 409 532,0*

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур
туман Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
II-49-2-14-205-K/22-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

(фоизда)

Т/Р	**Даромад турлари**	**Ажратма меъёри**
1.	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100%
2.	Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	20%
3.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	8%
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	100%
5.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	8%
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
7.	Давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар	100%
8.	Айланмадан олинадиган солиқ	28%
9.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	100%